

## АДАБИЁТ АТАМАСИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ ТАРИХИГА ДОИР

**Нодира Ҳайитбоевна Мирҳайдарова**

Гулистон давлат университети ўқитувчиси

[nodimir70@mail.ru](mailto:nodimir70@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Атамашуносликга оид бир қатор асарларда атамага нисбатан қўлланмайдиган "талаблар" унинг ҳақиқий табиатига мос келмаслиги аллақачон исботланган. Терминлар билимнинг ривожланишига мос равишда шаклланадиган ва ўзгарадиган махсус, тез ривожланадиган сўз туркумлари сифатида қаралади.

Мақолада адабиёт атамасининг пайдо бўлиши таҳлил қилиниб, маъно ўзгаришларга дуч келган, турлича шарҳу изоҳланган, ҳам мазмун, ҳам шаклда эврилиш содир бўлиб, бугунги кунда яхлит ва тугал мазмун касб этган.

**Калит сўзлар:** адабиёт, атамалар, изоҳ, адабиётшунослик тараққиёти, атамаларининг мазмун-моҳияти, "нафиса", "асари бадоеъ", "адабиёти нафиса", "гўзал адабиёт".

## ON THE HISTORY OF THE FORMATION OF THE TERM OF LITERATURE

**Nodira Hayitboyevna Mirhaydarova**

Senior Lecturer of the Department of Russian Language and Literature,

Gulistan State University

[nodimir70@mail.ru](mailto:nodimir70@mail.ru)

### ABSTRACT

In a number of terminological works, it has already been proven that the "requirements" that do not apply to the term do not correspond to its true nature. Terms are seen as special, rapidly evolving word groups that are formed and changed in accordance with the development of knowledge.

The article analyzes the emergence of the term literature, the meaning has undergone changes, different interpretations have been interpreted, evolution has taken place in both content and form, and today it has acquired a holistic and complete meaning.

**Keywords:** literature, terms, commentary, development of literary criticism, the meaning of the terms, "elegant", "work badoe", "elegant literature", "beautiful literature".

## КИРИШ

Атама-фаннинг ифода ёхуд талқин калити. У фан муаммосининг шарҳу изоҳини беришда очқич вазифасини ўтайди. Айрим атамалар фаннинг муайян қисми, бўлагини умумлаштирувчи хусусиятига эгаллиги билан муҳим вазифани адо этади. Масалан, қофия шеърнинг тугалланиш, анафора шеърнинг бошланиш қисмини, аллитерация шеърнинг оҳангдорлик жиҳатини ифодалашга йўналтирилган. Ҳарора атамаси шеърнинг қофиясиз тури ҳақида тушунчани акс этади. Бинобарин, атама фаннинг маъно-моҳиятини очишда муҳим аҳамият касб этар экан, унинг пайдо бўлиши, тараққий этиши, мазмунан такомиллашиб, тугал мазмунга эга бўлишининг ўзига хос тарихи мавжуд. Биринчи галда, атама миллий тил бойлиги негизидан ўсиб чиқади, иккинчидан, яқин қардош ва қардош тиллардан сўз олиш эвазига, учинчидан, байналминал сўзларнинг ҳаётий эҳтиёж сифатида кириб келиши туфайли, тўртинчидан, фан тараққиёти билан боғлиқ мутлақо янги сўз-атамаларнинг содир бўлиши орқали пайдо бўлади. Албатта, пайдо бўлган атамалар тарих, ижтимоий тузум, жамият турмуш тарзи ва бу борадаги ўзгаришлар, маънавий-маданий ҳаётдаги эврилишлар, миллий мафкурага асосланади. Биргина **адабиёт** атамаси эрамиздан аввалги асрдан XX асрнинг бошларигача турлича сўзлар билан ифодаланган, маъно ўзгаришларга дуч келган, турлича шарҳу изоҳланган, ҳам мазмун, ҳам шаклда эврилиш содир бўлиб, бугунги кунда яхлит ва тугал мазмун касб этган.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Қадимий юнонларда тарихий асарлар логос- “сўз” атамаси билан номланган. Сўз атамаси қадимий туркий адабиёт ва ўзбек мумтоз адабиётда ҳам адабий мерос, адабий манба маъносида қўлланилгани маълум.

Қадимий юнонларда тарихий асарларни “сўз” атамаси билан ифодаланиши Ўрта Осиё маданияти ва адабиётига “Поэтика” ҳамда бошқа юнон муаллифларининг асарларига ёзилган шарҳ ёки оғзаки адабий анжуман орқали кириб келган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бу масалада бирор аниқ илмий фикрни айтиш қийин. Қадимий туркий халқлар алломалари юнон илм-фан ва адабиёти билан таниш бўлганига тарихий манбалар аниқ гувоҳлик беради. Шу билан бирга Шарқ адабиётига назарий фикрлар оғзаки суҳбат ва анжуманда ҳам ўз ечимини топгани тарихий фактлардан маълум. Ҳар ҳолда туркий ва ўзбек мумтоз адабиётига “сўз” атамаси адабий мерос, адабий манба маъноларида истеъмол қилингани кўп сонли фактлардан маълум.

Адиб Аҳмад Югнакий сўз бойлиги, яъни адабий меросини “сўз” атамаси билан ифода этишга муваффақ бўлган: “Сўзум мунда колур, борур бу узум” ёки “ Тузатти бу ўн тўрт боб ичра сўзи” дейилганда ўн тўрт бобдан иборат достонини назарда тутмоқда. Рабғузий: “Ой кўпордум узум уздум, сўзни туздум тунла мен” деганда, ёзган асарини тунлаб ижод қилгани ҳақида хабар бермоқда.

Ҳайдар Хоразмий, Огаҳийлар ижодида ҳам “сўз” атамасини адабий мерос ёки адабий манба маъносида қўлланилганини кузатиш мумкин. Сўзнинг ижод, асар маъносида ўрта осийлик сўз санъаткорларидан бошқа, яъни Озарбайжон шоирлари ҳам қўллаганига гувоҳ бўламиз.

Фузулий: “Мандан, Фузулий, истама ашъору мадху замм,  
Ман ошиқам, хамиша сўзим ошиқонадур”.

Буюк шоир байтнинг биринчи мисрасида ашъор сўзини ишлатган, иккинчи мисрасида ҳам “асарларим”, яъни “ашъорим” ошиқонадур демоқчи, аммо ашъор сўзини такрорламаслик учун “сўз” лексикасини “асарим” маъносида қўллагани тайин.

Шарқда, хусусан, Навоий даврида адабиётни “наsr”, “назм”, “маснавий” атамалари билан номлаш таомил бўлган бўлса-да, ҳазрат Алишер Навоий ўз салафлари сингари “сўз” атамасини адабиёт маъносида қўллаган. Улуғ шоир давригача ва ундан кейин ҳам бадий асарда илмий, тарихий воқеалар уйғунликда ёзилган. Бу каби асарлар мазмун-мундарижаси соф бадий бўлмай, аксинча бу кабиларда тарихий, ахлоқий, таълимий, фалсафий, жуғрофий, назмий, насрий ифода шакллардан иборат бўлган. Ана шу каби умумлашма харакетридаги асар **“мусаннафот”** (арабча, ёзилган нарсалар) деб юритилган [5.6]. Баъзан **абёт** дейиш ҳам таомилга кирган, яъни бу атама байт ва ашъор маъносида истифода этилган.

Буюк Бобур ўзининг “Бобурнома”сида Навоий асарларини жанрга кўра номлаган: “Олти маснавий китоб назм қилибтур, беш “Хамса” жавобида, яна бир “Мантиқут тайр” вазнида, “Лисонут тайр”отлиқ. Яна баъзи мусаннафоти борким, бу мазкур бўлғонларға боқи пастроқ ва сустроқ воқеъ бўлубтур” [4.233].

#### МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

“Адабиёт” атамаси XIX асрнинг биринчи ярмида “Ғиёсул- луғат” китоби орқали Ўрта Осиё минтақасида қўлланилган. Атама бадий сўз борасида эмас, балки унинг ҳақидаги таълимот маъносида истеъмолда бўлган. Шу маънодаги атама 1925 йил проф. Абдурахмон Саъдийнинг дарслигида ҳам учрайди.

Адабиёт атамасининг маъносида ўзгариш содир бўла бошлади. Ўзгариш илмий таълимот маъносидан асарлар мажмуи-тўплами маъносига кўчган[5.7].

1909 йилда ўзбек адабиётига “адабиёт” атамаси шоир Абдулла Авлонийнинг “Адабиёт ёхуд Миллий шеърлар” китоби орқали кириб келган ва у матбуот учун ёзилган асарлар тўплами маъносида қўлланилган “Адабиёт ёхуд Миллий шеърлар” сарлавҳасидаги ёхуд боғловчиси бир-бирига маъно жиҳатидан тенг ёки яқин тушунчалар орасида ишлатилади.

Ўша даврнинг “Иштрокиюн”, “Қизил байроқ”, “Фарғона” газеталарида “адабиёт” атамаси бот-бот қўлланилиб, матбуот маъносида истифода этилган. Шунингдек, “адабиёт” атамаси матбуот, тўпلام маъноларида ҳам ишлатилиб, унга тор маънодги адабиёт тушунчаси ҳам аста-секин юклана бошлаган.

Устод С.Айнининг “Тожиқ адабиёти намуналари” (1926), Фитратнинг “Ўзбек адабиёти намуналари” (1926), “Адабий парчалар”(1926) каби хрестоматия характеридаги тўпلامларида қўлланилган “адабиёт” атамаси ҳам том маънодаги бадиий адабиёт тушунчасини тўлиқ ифодаламайди. Унда, адабиёт атамаси биринчидан, тўпلام маъноси, иккинчидан, адабий парчалар, умум мутолаа қиладиган матн маъносида истеъмомга киритилган.

Абдулла Авлоний “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асари 1914 йилда китоб шаклида ўқувчилар қўлига текканда шодиёна билан кутиб олинган. Энг муҳими, Шарқ ахлоқининг отаси Шайх Саъдий “Гулистон” асарининг муқобили ўзбек тилида ҳам бўлиши кўпдан бери кутилар эди. Ана ашу асрий орзу ушалиши билан матбуотларда, аниқроғи, “Садойи Туркистон” газетасида (1914 йил 3 декабрь) “Туркистонда зўр шодиёна” номли мақола эълон қилинади. Уни “Ҳар бир **адабиёт** ошиқларина, хусусан, муаллим афандилара бирор нусхасини тавсия қилурмиз” [2.293] дейилган. Бу ўринда адабиёт атамаси кенг маънодаги адабиёт тушунчасидадир, яъни кўпчилик ўқиши ва мутолааси учун мўлжалланган китоб маъносида келган.

Қисқаси, XX асрнинг 20 йилларигача адабиёт мафқуми бадиий сўз ҳақида таълимот, **тўпلام**, **матбуот** маъноларида қўлланилган.

Абдулла Авлонийнинг “Адабиёт ёхуд Миллий шеърлар” мажмуасидаги “адабиёт” атамаси тўпلام маъносида келишининг яна бир боиси у шарқона девон тузиш анъанасига кўра ҳамд ва наът қисмлари билан бошланганлигидадир. Ҳатто унинг учинчи жузъви тўғридан-тўғри “Адабиёт” деб аталади. Баъзи манбаларда “Адабиёт ёхуд Миллий шеърлар” тўплами “Адабиёт” номи билан ҳам берилган. Тўпلام бежизга “ушбу “Адабиёт”а Туркистон аҳлидин жавоб” шеъри билан бошланмаган. Биринчидан, мазкур

тўплам “Адабиёт” деб номланиши аёнлашиб турибди. Иккинчидан, фикр билдирилаётган тўпламни Туркистон аҳли мутолаа қилиб, маърифат кўзи очилишига киноявий ишора ҳам қилинган: “Бу сўзнинг... бизларга қор этмас” [3.29].

Абдулла Авлоний ўз даври ижодкорлари орасида дунё қараш, мудраб ётган оммани уйғотиш, озод ва эркин турмушга даъват этиш жиҳатидан энг пешқадами эди дейишга барча асослар бор. Шайх Саъдийнинг “Гулистон” асари андозасида туркий “Гулистон”ни яратиши ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг ҳам ибтидоси, ҳам чўқиси бўлди. Шеър шакллари, хусусан, бармоқни хукмрон вазнга айлантиришда унинг хизмати алоҳидадир. “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” наинки маърифатни улуғлаш жиҳатидан, балки энди шаклланиш арафасидаги ижтимоий-эстетик тафаккур жабҳасига ҳам қўйилган дадил қадам бўлди. Шундай дейишимизга сабаб “Туркий Гулистон”да ўз фикр ва мулоҳазаларини исботлашда Аристотель, Платон, Алекмеон, Ибн Сино ва Бедиллар қарашларидан андоза олиб, мисоллар келтиради. Шунингдек, озарбайжон ва татар мумтозларининг асарларини ўзбек тилига ўгириш, “Турон” театрини янада жонлантиришда қардош халқлар вакилларини ҳамкорликка даъват этиб, биргаликда ишлаш жараёнлари Абдулла Авлонийнинг санъатни «маънавий туғ» деб тушунишидан далолат беради. Санъат инсон комилгигининг моҳият қисми дея тушуниши ва эътироф этиши муҳимдир. Оқибат санъатнинг эстетик хусусиятлари ҳақида фикрлашга саъй-ҳаракат қилган. Бунда хориж матбуотларини, хусусан, рус тилидаги китобларни мутолаа қилиш кўмакка келган. Ўша даврда татар матбуотларида бадий адабиётнинг эстетик арсенали борасида баҳслар бораётган эди. Бундан Чўлпон ўз вақтида фойдаланиб, “Адабиёт надур?” мақоласини ёзган. Мазкур мақоладан кейин Абдулла Авлоний “Инқилоб” журналининг 1922 йил 1-сон 41-бетда “Саное нафиса” номли мақоласини эълон қилди. Бу мақола отахон адабиётшунос Иззат Султон ва Нариман Ҳотамовнинг назаридан четда қолишига боис уларнинг асарлари ёзилган ва нашр этилган вақтда Абдулла Авлонийнинг мазкур мақоласи ҳали шоирнинг танланган асарларидан ўрин олган эмасди. Ҳатто Абдурахмон Саъдий адабиётшуносликни тор ва кенг маънода шарҳлашида Абдулла Авлонийнинг мазкур мақоласидан фойдаланганми йўқми, бу борада бир нарса дейиш қийин. Адибнинг “Саное нафиса” мақоласи ўзбек адабиётшунослигида санъат ва адабиёт тушунчаларини бадий нафосат йўсинида англаш борасидаги илк назарий манба ва қарашдир дейиш мумкин. Мақолада санъат инсониятнинг ҳаётий эҳтиёжи сифатида

унинг ибтидоий келиб чиқиш жараёни ҳақида фикр боради. Баъзи манбаъларда саное нафиса адабиёт маъносида қўлланилса-да Абдулла Авлоний бу қарашга таҳрир киритиб, санъат маъносида истифода этган. Санъатнинг муайян тараққиёт босқичида адабиёт юзага келганини шундай изоҳлайди:

“ Ҳайвонларни текширувидан сўнг қушларни суриштиришга ўтдилар (одамлар-Н.М). Баҳор мавсумларида чечакларнинг ҳажрида маст бўлиб сайраган қушларнинг ёқимли товуш (садо-А.А.)лари хушларига (одамларнинг-Н.М.) ўтирди-да, онлар ҳам ихтиёрсиз равишда шу қушларга товушларни ўхшатмоқ, гўё қуш каби сайрамоқчи бўлдилар.

Сайра булбул, сайра чинорни шохи синсун,  
Ёр айриламанд, деди айрилиб кўнгли тинсун,

деб улар ҳам нағма ашула қила бошладилар. Мана бу даврни саное нафиснинг адабиёт даври деюлур. Лекин аввалги санъатларга қараганда, сўнгги санъатлари аввалгидан муҳимроқ ва яхшироқ бўлиб, муттассир ўлмок, ҳар кимга насиб бўлмас эди [1.236].

Демак, Абдулла Авлоний ушбу мақоласида адабиёт санъатнинг бир тури ва у нафосат олами, яъни жозоба хусусиятга эгаллиги ҳақида ўз қарашларини ифодалашга муяссар бўлган.

1925 йилга келиб, проф. А.Саъдий ўзининг “Амалий ҳам назарий” адабиёт қоидалари” китобида биринчи марта адабиёт атамасини тор ва кенг маънода қўллаган. Бу қараш, Иззат Султоннинг “Адабиёт назарияси” (1939) дарслигида барқарорлаша бошлаган. Дарсликда адабиёт ҳаётни образлар орқали акс эттириш ва у мафкура (идеология-И.С.) кураш экани ўқтирилган. Гарчандки, А.Саъдий ва И.Султон дарсликларида адабиёт мафқуми тор ҳамда кенг маънода ифодаланса-да, у ҳам ҳали адабиётшуносликда яхлит мазмун касб этувчи атама сифатида турғунлашган эмас эди. Адабиёт атамасига муқобил тарзда “нафиса”, “асари бадоеъ”, “адабиёти нафиса”, “гўзал адабиёт” каби атамалар ҳам фаровон қўлланишида давом этган. Бу атамаларнинг таъсирида 1924 йилда Элбек тузган адабиёт хрестоматиясини “Гўзал ёзғичлар” деб, ясама атама яратган. Бу атама пуристик қарашнинг натижаси, эканини тушунган, Абдулла Авлоний 1933 йилда тузган хрестоматиясини “Адабиёт” деб атаган. Кўринадики, у “Адабиёт” атамасини истеъмомга киритиш борасида жиддий мавқеда турган. Адабиётшунослик фани юқоридаги ясама атамаларни сиқиб чиқариб, адабиёт атамаси барқарорлашига қадам қўйди.

Ўзбек адабиётшунослигида бўлганидек, бошқа халқлар, хусусан, рус адабиётшунослигида ҳам “литература” атамаси худди “адабиёт” атамаси сингари турли шакл ва мазмунда қўлланилиб, XIX асрнинг 30-йилларига келиб, асл маъносида турғун маънода барқарорлашган. Адабиётшунос Е.А. Быстрованинг номзодлик диссертациясида келтирилишича, рус адабиётшунослигида адабиёт тушунчаси “стихотворство”, “письмена”, “словесность” атамалари билан ифодаланган. Бу каби атамаларга улуғ рус танқидчиси В.Г.Белинский аниқлик киритган. У “словесность” атамаси билан “литература” атамасини семантик жиҳатдан изоҳлаб, “словесность” атамаси “литература” атамасига нисбатан кенг маъно англатишини исботлаб берди. “Словесность” атамасида сўзда ифодаланган барча тушунча ва маънодаги матн англатиши эътироф этилган, “литература” атамасида эса нафис адабиёт (изящная литература), янада аниқроғи, поэтик-бадий асарларни тушуниши исботланди. Кейинчалик шеър асарлар маъносида қўлланилган поэзия атамаси кенг маънода қўлланилиб, насрий, халқ оғзаки ижодини ҳам ўзида ифодалаган бўлган, бошқача айтганда, “поэзия” атамаси “литература” атамасининг синонимини ташкил қилган. В.Г.Белинскийнинг “Поэзиянинг хил ва турларга бўлиниши” мақоласида “поэзия” атамасини “литература” маъносида истифода этган. Ўзбек адабиётшунослигида поэзия атамасини адабиёт атамаси ўрнида ифодалаш А.Саъдийнинг “Амалий ва назарий адабиёт дарслари” (Ўздавнашр,-Т.:1925) дарслигида биринчи марта қўлланилмаган. Шунинг ҳам айтиш лозимки, “поэзия” атамаси ўзбек адабиётшунослигида рус адабиётшунослигидек, “литература” атамаси ўрнида устувор қўлланилган. Лекин ўзбек адабиётшунослигида адабиётнинг бадий хусусиятини белгилашда рус адабиётшунослигидаги “поэзия” атамасининг самарали таъсир бўлганини инкор этиб бўлмайди.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, “адабиёт” атамасини пайдо бўлиши, шаклланиши ва барқарор атама сифатида истеъмолга киришида қуйидагилар боис бўлган.

Бадий ижод жараёнида адабиёт атамасини истеъмолга киритиш сўз санъаткорлари томонидан идрок этилган, бу биринчидан, иккинчидан, энди шаклланиб келаётган ўзбек адабиётшунослиги, учинчидан, рус адабиётшунослигида кенг истеъмолда бўлган “поэзия” атамасининг таъсири шубҳасиз бўлган.

## REFERENCES

- 1.Абдулла Авлоний. Танланган асарлар 2-жилдлик, 2-ж.,-Т.: 1971,-Б.236
- 2.Абдулла Авлоний. Тошкент тонги, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,-Т.:1979,-Б.29
- 3.Абдулла Авлоний. Танланган асарлар,-Т.: 1998, 293-б.
4. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.-Т.:1980,-Б 233.
- 5.Иззат Султон. Адабиёт назарияси,-Т.:1980, - Б.6.
- 6.Мирҳайдарова Н., Адабиётшунослик атамаларининг тараққиётини даврлаштириш масаласи, Наманган давлат университети илмий ахборотномаси, №5 2020, 253-258.